
МАРҒИЛОН ШАҲРИДА КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ МАРКАЗЛАШГАН ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ КЕЧИКАЁТГАНИ УЧУН ШАҲАР ҲОКИМИ ВА ВИЛОЯТ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ МАСЪУЛЛАРИ ЖИДДИЙ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Марғилон шаҳрида бўлиб, “Гулистон”, “Зухро”, “Милтиқсоз”, “Чилонзор” МФЙ ҳудудларида жойлашган 130 та кўп квартирали уйни “Фарғона иссиқлик манбаи” АЖ орқали марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш жараёнлари билан танишди, ҳудуд аҳолиси билан мулоқот қилди.

Фарғона вилоятининг иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича манзилли дастур бўйича амалга оширилаётган ушбу лойиҳа қиймати 30 миллиард сўм бўлиб, уни амалга ошириш натижасида 5 711 та хонадон иссиқлик таъминоти билан таъминланади.

Иш жараёнининг бориш суръати пастлиги вилоят ҳокими томонидан қаттиқ танқид қилинди. Марғилон шаҳар ҳокими ва вилоят қурилиш соҳаси масъуллари жиддий огоҳлантирилди. Лойиҳани қисқа муддатда яқунлаш учун кунма-кун режа-график ишлаб чиқиш, барча мутасаддилар иштирокида доимий штаб ташкил қилиб, ишларнинг белгиланган муддатларда яқунланишини таъминлаш бўйича қатъий топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-30 21:29:55